

“Маънавий баркамол авлод – юрт келажаги”

“Бизнинг асосий вазифамиз —
ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён
қилиши учун зарур шароитлар
яратиш, зўравонлик ғояси “вируси”
тарқалишининг олдини олишдир.
Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий
қўллаб-куватлаш, унинг ҳуқуқ ва
манфаатларини ҳимоя қилиш
борасидаги кўп томонлама
ҳамкорликни ривожлантириш лозим,
деб ҳисоблаймиз”



ПРЕЗИДЕНТ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА
БАЙРАМ ТАБРИГИ



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI

Узоқ тарихимиз гувоҳлик берадики, ҳеч бир миллатнинг тафаккури, дунёқараши, турмуштарзи, маънавий қадриятлари ўз-ўзидан шаклланиб қолмаган. Шу каби интилишлар, эзгу фазилатлар, асрлар давомида халқимиз қон-қонига сингиб ибратли кўриниш касб этган. Бугунгидек бир даврда яъни, ҳаёт суратлари кўз илғамас даражада шиддат билан ҳаракатланаётган замонда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан, жонкуярлик билан кураша олиши мумкин. Бу ҳақиқатни теран англаган ҳолда, ёшларни – эртанги кун эгаллари сифатидаги масъулятини яна бир бор англатмоғимиз даркор.


Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир.
Шу жиҳатдан олиб қараганда,
давлатимиз келажаги, миллат тараққиёти
буғунги ёшларнинг билимига, ғайрат-
шижоатига, дунёқарашига,
ватанпарварлик туйғусининг қанчалик
юксаклигига, комиллик даражасига
боғлиқ. Келажагимиз эркин
фикрлайдиган, мустақил иш юрита
оладиган, чет тилларидан яхши хабардор,
юқори технологик тафаккурга эга бўлган,
Ватан ва халқ манфаатларини ўз
манфаатларидан устун қўя оладиган,
керак бўлса, Ватан учун жонини фидо
қила оладиган ёшларни талаб этади.





“Юртимиз ёшлари ўртасида илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида, умуман, барча жабҳаларда жонбозлик кўрсатиб келаётган азамат йигитларимиз жуда кўп. Улар ўзининг жисмоний ва маънавий салоҳияти, истеъдод ва маҳоратини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиб бериш борасида мамлакатимизда кўп ишлар қилиняпти ва келгусида ҳам уларни албатта давом эттирамиз”

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қараашларининг мезонидир.



Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин.

Айнан бу соҳада Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва қасб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида ҳам ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган.



Маънавиятни юксалтириш – авваламбор, ёшларнинг мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустакил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг мен Ўзбекистон фарзандиман деб ғуур ва ифтихор билан яшашга эришишдир.

Маънавиятли ва эътиқодли кишилар ўз маслаги, ватани учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрдирлар.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги қонун ёшларга замонавий таълим олиш, уйжой харид қилиш ва қуриш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар олишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий кафолатларни тақдим этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Юқоридаги фаол ёшларимиз каби ибрат соҳиби 22 ёшли Алишер Саъдуллаевнинг Халқ таълими вазирининг ўринбосари ва 25 ёшли Олим Тўйчиевнинг Фан ва технологиялар агентлиги бош директорининг ўринбосари этиб тайинлангани интернет саҳифаларида ва кенг жамоатчилик томонидан қизғин қарши олинган эди.



Жаҳон тарихида энг ёш президент сифатида 19 ёшида ҳокимиятга келган Гаити президенти Жан Клод Дювале тан олинади, у 1971 йилнинг 31 январида президентликни отасидан мерос сифатида қабул қилиб олган. Виктор Орбан 1998 йилда Венгрия бош вазири лавозимини эгаллагандага 35 ёшда эди. Теодор Рузвельт 42 ёшида, Жон Кеннеди эса 43 ёшида АҚШ президенти бўлишган. Девид Кемерон Буюк Британия тарихидаги энг ёш бош вазир хисобланади. У 2010 йил май ойида 43 ёшида бош вазир бўлган.



“Ёшлар аҳволи” түгрисидаги Жаҳон ҳисоботига кўра сайёрамиз аҳолисининг 20 фоизини 14 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қиласди. Ер юзидағи барча ёшларнинг 85 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истикомат қиласди. Инсониятнинг бутун тарихи билан қиёслаганда, ҳозирги ёш авлод анча саводли дея тан олинишига қарамай, бугунги кунда 113 миллионга яқин бола мактабга бормайди. Умумий ҳисобда замонавий дунёда 130 миллион боланинг мутлақо саводсиз экани айтилади. Дунёда муаммолар жуда ҳам кўп. Улар орасида ёшлар муаммоси алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда дунё мамлакатларида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш асосий масалалардан бирига айланиб қолди. Улар ўз олдиларидағи муаммоларни ўзлари ҳал қилишига мајбур бўлмоқда. БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда 15 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар ҳамон ишлизлик ва қашиоклик билан тўқнаш келмоқда.



Қисқа давр мобайнида асосий эътибор Ёшлар иттифоқи фаолиятига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ушбу ҳужжатлар асосида республика миқёсида уникал тизим ҳамда ривожланган хорижий давлатлар орасида намунали ёшлар ташкилотини яратишга қаратилди.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ўтган бир йил мобайнида Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами **26 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари** қабул қилинди. Жумладан:
Ўзбекистон Республикасининг **2 та Қонуни**,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг **2 та Фармони, 4 та қарори, 1 та фармойиши**, Вазирлар
Маҳкамасининг **14 та қарори** ва **3 та фармойиши** имзоланди, Ёшлар масалалари билан боғлиқ **70 га** яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРӢ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 январь куни қурилиш соҳсидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишлиланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда қурилиш соҳасидаги муаммо ва камчиликлар кескин танқид қилинди. Масалан, мамлакатимизда 22 мингга яқин қурилиш-пудрат ташкилоти бўлиб, уларнинг аксариятида ишчилар сони ва касб малакаси тўғрисида маълумот юритилмайди.

Соҳада техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинмаётгани, “риск-анализ” тизими ва назорат йўқлиги оқибатида баҳтсиз ҳодисалар юз берадигани қайд этилди. Тегишли вазирлик ва идораларга қурилиш соҳасида давлат назоратини бутунлай янгича асосда ташкил этиш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари қурилиш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш тизими бугунги кун талабига жавоб бермаслигини таъкидлади.

Меҳнат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига қурилиш соҳасида ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар классификаторини жорӣ қилиш ҳамда унга мувоғик колледжларда қурувчилар тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Соҳага оид таълим дастурларини юқори технологиялар ва инновацион ёндашувлар асосида янгидан ишлаб чиқиш, бўлажак кадрларни замонавий лойиҳалаш ва дастурий таъминот, хусусан, BIM (Building Information Modeling) технологиялари билан ишлашга ўргатиш лозимлиги таъкидланди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЯГОНА ЙЎЛИМИЗ – ТАДБИРКОРЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ, ОДАМЛАРНИ ИШБИЛАРМОН ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва худудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

2020 йил 1 январдан янги таҳрирдаги Солик кодекси амалиётга татбиқ этилди. Бу ислоҳотлардан асосий мақсад – жорий ва келгуси йилларда иқтисодий барқарорликни таъминлаштир

Йиғилишда жорий йил биринчи чоракда бюджетга солик тушумларини таъминлаш учун ҳокимлар бошчилигига, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринbosарлари, молия ва солик идоралари томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилди.

Жорий йил 1 январдан мамлакатимиз солик тизимида 120 дан ортиқ янги қоидалар амалиётга киритилди. Бу қоидалар тўғри қўлланиши, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши учун ўзгаришлардан барча хабардор бўлиши керак.

Шу боис вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилигига иқтисодий комплекс идоралари ходимлари ва тадбиркорларни ўқитишни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Кодекснинг мазмун-моҳиятини англаған ҳолдагина унинг сифатли ижросини таъминлашга имкон бўлади. Ундан ташқари, ҳужҷатда кўзда тутилган қоидаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида барча туманларда давра сұхбатлари, семинарлар ва бошқа тарғибот тадбирларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот бўйича медиа режа ишлаб чиқиб, биринчи чорак давомида барчага етказиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

БАРЧА ХИЗМАТЛАР УЧУН ЯГОНА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 январь куни давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни илгари сурган эди. Мақсад одамларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳар қандай қулайликлар яратишдан иборат.

Бунинг учун, аввало, расмий идораларга у ёки бу юмуш билан мурожаат қилган аҳолининг вақти ва маблағини тежаш, айниқса, сарсон-саргардонликка барҳам бериш, қолаверса, коррупцияни бартараф этиш мақсадларида давлат хизматлари кўрсатишнинг яхлит, замонавий, ишончли тизимини яратишга киришилди.

Бугунги кунга келиб, Давлат хизматлари марказлари орқали “ягона дарча” тамойили асосида 130 турдан зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 12 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13 миллионтадан ошган.

Энг кўп мурожаат қилинадиган 36 турдаги хизматлар бўйича ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тага камайтирилди, хизмат кўрсатиш муддати 280 кундан 126 кунга қисқартирилди.

Масалан, илгари ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун паспорт, тиббий маълумотнома, имтиҳон варақаси, эски гувоҳнома, расм ва энг кам иш ҳақининг 70 фоизи микдорида тўлов талаб қилинган. Эндиликда эса факат учта нарса: эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони, базавий ҳисоблаш микдорининг 70 фоизи ҳажмида тўлов керак, холос.

Президентимиз томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда электрон рақамли имзо талаб этиладиган хизмат турлари учун шахсни тасдиқлашнинг муқобил, хавфсиз ва содда усулларини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шу йил 1 июлгача ҳамма хизматлар учун ягона бўлган электрон рақамли имзо ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ватан ҳимоячилари байрами арафасида, 10 январь куни Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюрди.

Президентимиз ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар натижаси ҳамда фойдаланишга топширилган замонавий таълим инфратузилмаси объектлари билан танишди.

Ўқув биносида ҳарбий техниканинг асосий намуналари бўйича динамик компьютер тренажёрлар имкониятлари намойиш қилинди, академия курсантларининг ихтирочилик ва инновацион ишланмалари ҳақида маълумот берилди.

Шу куннинг ўзида Қуролли Кучлар Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентимиз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг бошқа соҳалари билан бир қаторда ҳарбий қурилиш йўналишида кенг миқёсли модернизация ишлари амалга оширилгани, бу билан қисқа даврда аниқ натижаларга ҳамда Қуроллик Кучларимиз қиёфаси бўйича стратегик ёндашувни шакллантиришга эришилганини таъкидлади.

МИЛЛИЙ БОҒ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев бу ерда олиб борилаётган ишлар, ҳайкаллар кўринишига оид лойиҳалар билан танишди. Ҳайкаллар ёнида лавҳлар ўрнатиб ҳамда аудиоёзувлар орқали ҳар бир адаб ҳакида қисқача маълумот бериш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган тадбирлар ўтказиш учун қўшимча шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Алишер Навоий ҳайкали гумбазини безатиш, ҳудудни ободонлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди

Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали бўладиган мазкур музей Шош, Чоч, Бинкат, Бинокат каби номлар билан аталган Тошкент шаҳрининг қадимги даврлардан то XVI асрغا бўлган тарихини ўзида қамраб олади. Музейда Тошкент шаҳрининг тарихий даврлари ноёб экспонатлар, қимматли манбалар ва кўргазмали экспозициялар асосида акс эттирилади.

Президентимиз истироҳат боғи қурилишини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур боғ концепциясида миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган. Лойиҳа Австралияning "Sanderson Group" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ушбу компания дунёдаги энг замонавий элликдан ортиқ парк лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этган.